

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ички аудит
бошқармасининг фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

2024 йил 29 август

Тошкент шаҳар

I. Умумий маълумотлар ва баҳолаш натижаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 августдаги 377-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида низом ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 13 февралдаги 23-32-сон буйруғига асосан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ички аудит бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) фаолиятини ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши бўйича баҳолаш (кейинги ўринларда - Баҳолаш) амалга оширилди.

Баҳолашни амалга оширишдан мақсад Бошқарма фаолиятининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

Баҳолаш 2024 йилнинг 19 августидан 29 августига қадар амалга оширилди.

Баҳолаш жараёнида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат органларининг ички аудит тузилмалари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бўлим бошлиқлари М. Жалолиддинов, А. Исмоилов ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ички аудит бошқармаси раҳбари Ф. Азизов ва бошқарма ходимлари иштирок этди.

Бошқарманинг фаолиятини баҳолаш жараёнида қуйидаги йўналишлар қамраб олинди ҳамда хавф омили вазни белгиланди:

ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,10;

вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши (ички аудит хизмати тўғрисидаги низом, ички аудит хизмати ходимларининг лавозим йўриқномалари ва бошқалар) ҳамда унинг хавф омили вазни 0,10;

ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

ўтказилган ички аудит тадбирларининг самарадорлиги, таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши ҳамда унинг хавф омили вазни 0,20;

ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси ҳамда унинг хавф омили вазни 0,15;

ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа масалалар ҳамда унинг хавф омили вазни 0,05.

Баҳолаш жараёнида Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл бериш орқали Бошқарманинг сифат даражаси аниқланди.

Бошқарма Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг (кейинги ўринларда - Вазирлик) марказий аппаратида мустақил тузилма сифатида ташкил этилган бўлиб, жами 8 та штат бирлигидан иборат. Бошқармада 5 нафар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлган ҳамда 2 нафар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлмаган ходимлар фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, бошқармада 1 та штат бирликда вакант лавозим мавжуд.

Бошқарма ўз фаолиятида Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларини ҳамда жами 298 тадан иборат бўлган ҳудудий бошқармалар, тизимдаги ташкилотлар ҳамда муассасаларни қамраб олган.

Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирликнинг буйруқлари ҳамда Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширади.

Бошқарма томонидан ички аудит тадбирлари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири (кейинги ўринларда - Вазир) томонидан тасдиқланган йиллик режага асосан амалга оширилади.

II. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл бериш натижалари.

Баҳолаш жараёнида Бошқарма фаолиятини Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича саволномага балл бериш орқали баҳоланди (1-илова).

Баҳолаш натижасига кўра, Бошқарма фаолиятининг баҳолаш натижаси бўйича сифат даражаси **82,1 фоиз – “ўрта” даражада** баҳоланди.

Саволнома юқорида келтирилган йўналишлар бўйича ишлаб чиқилди ҳамда қуйидагича баҳоланди:

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши бўйича (йўналиш вазни 0,10).

Мазкур йўналиш бўйича 10 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 20 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бошқарма Вазирликнинг 2024 йил 26 апрелдаги 69-сонли буйруғи билан Вазирликнинг марказий аппаратида мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил этилган ҳамда 8 та штат бирлигидан иборат.

Маълумот учун. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 261-ИСН-сонли буйруғи билан ички аудит хизмати марказий аппаратда 3 та ҳамда ҳудудий бошқармалар таркибида 1 тадан жами 17 та штат бирлигидан иборат “Ички аудит” бўлими ва ҳудудий шўъбалар ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонида мувофиқ Вазирлик Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги этиб қайта ташкил этилгандан сўнг, Вазирликнинг 2023 йил 27 январдаги 1-ИСН-сонли буйруғи билан ички аудит хизмати марказий аппаратда 3 та ҳамда ҳудудий бошқармалар таркибида 1 тадан жами 17 та штат бирлигида “Ички аудит” бўлими ва ҳудудий шўъбалар штат бирликлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳозирги кунда, Вазирликнинг Ички аудит хизмати ҳудудий шўъбалардаги 9 та штат бирлиги қисқартирилган ва 5 та штат бирлиги марказий аппаратга олинган ҳолда марказий аппаратда жами 8 та штат бирлигидан иборат Бошқарма сифатида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Вазирликда Ички аудит хизмати унинг ҳудудлардаги бўлинмалари тугатилиб, марказий аппаратда бошқарма сифатида ташкил этилгандан сўнг, ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш ягона ёндашув асосида амалга оширилишига эришилган.

Бу эса, ўз навбатида бошқармада ички аудит хизматини малакали кадрлар билан тўлдирилиши ва унинг фаолиятини ички аудит хизматига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилишига олиб келмоқда.

Бошқарма Вазирлик томонидан 2024 йил 5 январда тасдиқланган “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги вақтинчалик низом”га (кейинги ўринларда Низом) асосан бевосита биринчи раҳбарга бўйсунуви белгиланган.

Низомнинг 1-боб, 5-бандида Бошқарма Вазирликнинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмаслиги ҳамда асосий фаолият йўналишидан

ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 2-боб, 9-бандида Бошқарма фаолиятига вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Баҳолаш жараёнида Бошқарма фаолиятига оид ҳужжатлар (низом, йиллик режа ва бошқалар) вазирлик раҳбари томонидан ўз вақтида тасдиқланганлиги аниқланди.

Бошқарма ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда Низомда белгиланган вазифаларни бажариш учун малакали ходимлар жалб этилган ҳамда ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари мазмун ва моҳияти билан таништирилган.

Шунингдек, Бошқарма ўз фаолиятини амалга ошириш учун етарли моддий-техника базасига эга. Жумладан, ҳар бир ходим иш фаолиятини амалга ошириш учун шароитга (компьютер, интернет ва бошқалар) эга.

2. Вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши (ички аудит хизмати тўғрисидаги низом, ички аудит хизмати ходимларининг лавозим йўриқномалари ва бошқалар) бўйича (йўналиш вази 0,10).

Мазкур йўналиш бўйича 8 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами баллар йиғиндиси 16 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бошқарма Вазирлик томонидан 2024 йил 5 январда тасдиқланган “Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги” низом асосида фаолият юритади. Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Бошқарма ходимларининг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган. Лавозим йўриқномаларида Бошқарма ходимларининг функция ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгилаб берилган.

Низомда Бошқарманинг биринчи раҳбарга ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобдорлиги белгиланган ҳамда ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ.

Шунингдек, Низомда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, жумладан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини кўриш белгиланган.

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 5 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 7 баллни ташкил этди (70 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бошқарманинг 2024 йил учун йиллик режасини ишлаб чиқиш жараёнида тизимдаги барча ташкилотларни қамраб олган ҳолда хавф таҳлили ўтказилган. Вазирликнинг тизим ташкилотлари 298 та бўлиб шундан 14 та тадбирда 21 та ташкилот ва ҳар чоракда мақсадли индикаторлар ижросини баҳолаш тадбирлари жами 17 та тадбир 24 та ички аудит объектлари йиллик режага киритилган.

Йиллик режа ишлаб чиқишда ўтказилган хавф таҳлили натижасида аниқланган хавф даражаси юқори бўлган 68 та ички аудит объектининг 10 таси йиллик режага киритилган яъни хавф даражаси юқори бўлган 58 та ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли йиллик иш режа билан қамраб олинмаган.

Хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари тўлиқ қамраб олиш учун ресурслар етарли бўлмаган тақдирда, бу тўғрисида биринчи раҳбар хабардор қилинганлиги бўйича маълумот тақдим этилмади.

Режадан ташқари ички аудит тадбирлари учун вақт ресурслари ажратилиши бўйича тегишли ҳисоб-китоблар штатлардаги вакант лавозимларни инобатга олган ҳолда амалга оширилган.

4. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 5 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда, саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 5 баллни ташкил этди (50 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Баҳолаш жараёнида Бошқармадан 2024 йилда ўтказилган ички аудит тадбирларидан танланма усулда 2 тасига (*Қашқадарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ҳамда Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси*) оид ҳужжатлар олинди

ҳамда уларнинг ички аудит хизматига доир амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ўрганилди.

Мазкур танланган ички аудит тадбирлари учун дастур Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси (АВ-3406) га тўлиқ мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Танланган ички аудит тадбирлари натижалари ўрганилганда аудит тадбирларининг натижалари далолатнома кўринишда расмийлаштирилган ҳамда ички аудит тадбирини ўтказиш қўлланмаси (АВ-3406)га мувофиқ эмас.

Ушбу ички аудит тадбирлари натижалари бўйича далолатномаларда таклиф ва тавсиялар келтирилмаган бўлсада, ички аудит тадбирлари якуни бўйича вазирлик раҳбариятига киритилган хулосада таклиф ва тавсиялар расмийлаштирилган.

Ўтказилган ички аудит тадбирлари далолатномаларида ички аудит объектининг фикр-мулоҳазалари мавжуд.

Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга (ВМҚ-416) асосан Бошқарма томонидан ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатлардан кечикиб тақдим этган ҳолат мавжудлиги маълум бўлди (2024 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи 22 июлда тақдим қилинган).

5. Ўтказилган ички аудит тадбирларининг самарадорлиги, таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши (йўналиш вазни 0,20).

Мазкур йўналиш бўйича 7 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 14 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Танланма усулда кўрилган 2 та ички аудит тадбири учун берилган таклиф ва тавсиялар асосида чора-тадбирлар режаси расмийлаштирилган ҳамда ички аудит объекти раҳбари томонидан тасдиқланган.

Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ўрганилганда унинг ижро кўрсаткичи 90 фоиздан юқорилиги маълум бўлди.

Бошқарма томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари натижалари юзасидан чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ҳамда ушбу чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши бўйича мониторинг йўлга қўйилган.

Бошқарма томонидан тақдим этилган 2024 йил ярим йиллик ҳисоботга кўра ички аудит тадбирлари натижасида қонунчилик ҳужжатларининг

бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, Вазирликда Вазиятлар маркази (Ситуацион марказ) ташкил этилган бўлиб, унда масофадан мониторинг қилиш, профилактика қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Бошқарманинг 2024 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботида кўра жорий йил учун тасдиқланган йиллик иш режа ҳисобот даврида бажарилишига эришилган.

6. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси (йўналиш вазни 0,15).

Мазкур йўналиш бўйича 4 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 7 баллни ташкил этди (88 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

2024 йилнинг 29 август ҳолатига Бошқармада 7 нафар ходим фаолият юритади, шундан 5 нафар ходим ички аудит миллий малака сертификатига эга, бироқ 2 нафар ходим миллий малака сертификатига эга эмас. Шунингдек 1 нафар вакант лавозим мавжуд.

2023 йил мобайнида Вазирлик тизим ташкилотлари ҳамда Бошқарма ходимларидан 13 нафари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган, шундан 5 нафари ижобий, 7 нафари қониқарсиз натижа қайд этган.

Ушбу малака ошириш курслари якунига кўра қониқарсиз натижа қайд этган ходимлар ички аудит хизмати лавозимларидан четлатилган ва ходимларни ривожлантириш йўлга қўйилган.

Бошқарма ходимлари Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятига мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланиб борилади ҳамда натижалар ижобий.

Бошқарма ходимлари ички аудит фаолиятига оид семинар ва тренингларда мунтазам равишда иштирок этишлари бўйича маълумотлар мавжуд.

7. Ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар (йўналиш вазни 0,05).

Мазкур йўналиш бўйича 2 та савол 0-2 балл оралиғида баҳоланди. Бунда саволларга берилган жами балллар йиғиндиси 4 баллни ташкил этди (100 фоиз).

Ушбу йўналиш бўйича баҳолаш натижалари юзасидан қисқача маълумот.

Бошқарма томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан 2023 йил давомида ички аудит фаолиятига оид келиб тушган мурожаатлар ижроси 100 фоиз амалга оширилган.

Бошқарма ходимлари бугунги кунда, вазирлик тизимида мавжуд электрон маълумотлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланади.

III. Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

Баҳолаш натижалари асосида қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ички аудит бошқармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси (2-илова) ишлаб чиқилди:

1. Хавф таҳлилини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш;
2. Ички аудит тадбирлари учун вақт ресурсларини режалаштириш;
3. Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини ички аудит фаолиятига оид қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;
4. Ички аудит тадбири натижалари асосида тузилган чора-тадбирлар режасининг ижросини тўлиқ таъминлаш;
5. Йиллик режани тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
6. Бошқармада мавжуд вакант лавозимларни малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда ходимлар малакасини доимий ошириб бориш;
7. Ички аудит тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида ички баҳолашни йўлга қўйиш;
8. Вазирликда ички аудит хизмати учун кадрлар заҳирасини яратиш;
9. Аниқланаётган хато ва камчиликларни олдини олиш;
10. Масофавий аудит тизимини такомиллаштириш;
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланган самарадорлик индикаторлари бажарилишини таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш.

Ф. Азизов
Ички аудит хизмати раҳбари

(имзо)

29.08.2024 йил.
(кун, ой, йил)

А. Исмоилов
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
масъул ходими

(имзо)

29.08.2024 йил.
(кун, ой, йил)